ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1996 йил, 15 ноябрь № 45 (222) ● Сотувда нархи эркин



Ўз касбининг устаси Гуля БАКИЕВА Тошкент шаҳарлараро телефон станциясида 1979 йилдан бери самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Суратказш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бельгия Қироллиги Бош вазири Жан-Люк Деханенинг таклифига биноан 12-14 ноябрда расмий ташриф билан Бельгияда бўлди.**

● Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театрининг бир гуруҳ санъаткорлари Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида сафарда бўлишди.

●Наманганда «Камолот» деб аталган янги газета чиқа бошлади. Унинг муассиси «Камолот» республика ёшлар жамғармасининг вилоят бўлимидир.

● Қорақалпоғистон Республикасида матбуот нашрларига обуна учун маблағ тўплаш мақсадида ҳашар уюштирилди. Унда ишлаб топилган маблағ ҳисобига ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар 1997 йилги газета ва журналларга обуна қилинди.

● **Украина парламенти фуқаролик тўғрисида янги қонун қабул қилди. Унга мувофиқ мамлакатда икки давлат фуқаролигига йўл қўйилмайди.**

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● Янгиликлар ● Воқеалар ● Хабарлар

● Грузиянинг собиқ автоном вилояти бўлган Жанубий Осетияда Людвиг Чибиров Президент этиб сайланди.

● **АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер истеъфога чиқди. АҚШ Президенти Билл Клинтон Уоррен Кристофер янги давлат котиби тайинлангунга қадар ўз вазифасини бажариб туриши, жумладан у Яқин Шарқ ва Европага режалаган ташрифларини амалга ошириши ҳақида баёнот берди.**

● Япония парламенти яна Р. Хасимотони мамлакат Бош вазири этиб сайлади. У Вазирлар Маҳкамасининг янги таркибини шакллантиришга киришди.

● **БМТ Хавфсизлик Кенгаши халқаро ҳамжамият аъзоларини Шарқий Зоирга шошилинч инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга даъват этди. Бу ерда сўнгги кунларнинг ўзида очлик, ичимлик суви ва дори-дармонлар йўқлигидан 13 минг нафардан кўпроқ киши ҳаётдан кўз юмди.**

● Польшада 1999 йилда мажбурий ҳарбий хизмат муддати ҳозирги 18 ой ўрнига 12 ой бўлади.

● **Ҳиндистоннинг Уттар Прадеш штатида рўй берган дахшатли бўрон оқибатида 600 дан кўпроқ киши ҳалок бўлди.**

● Обуна—97

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз муштарийлар, «ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА БАҲОСИ:

ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН:
1 ойга 28 сўм,
6 ойга 168 сўм,
12 ойга 336 сўм.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР УЧУН:
1 ойга 39 сўм,
6 ойга 234 сўм,
12 ойга 468 сўм.

НАШР КЎРСАТКИЧИ:

64600

ЭСЛАТМА: Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг почта алоқа корхоналари обуна нашрларини етказиб бериш хизмат ҳақларини ўзлари мустақил белгилашади.

● Навоий вилоятидан дараклар

УЯЛИ ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ ИШГА ТУШАДИ

Навоий вилояти марказида «Ўздунробита» қўшма корхонаси ёрдамида уяли телефон станциясини ишга туширишга киришилди. Шу кунларда бу ерда жаҳоннинг илғор техника ва технологияси талабларига жавоб бера оладиган замонавий алоқа жиҳозлари ўрнатилмоқда. Бу ишда жонбозлик кўрсатаётган станциянинг етакчи мутахассислари Тошкентдаги махсус тайёрлов курсларида ўқиб, илғор иш тажрибаларини ўрганиб қайтишган. Ноябрь ойининг охирларида ишга тушиши кутилаётган ушбу мўъжаз алоқа туридан 250 нафардан кўпроқ мижозлар фойдаланиши мумкин. Келгусида мижозлар сонини 500 нафарга етказиш мўлжалланган.

Турмушимизга дадил кириб келаётган янги алоқа тури вилоят аҳолисининг эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бера олади. Бу радиотелефондан ўзингиз истаган пайтда керакли ахборотни қўнғироқ қилиб билиб олишингиз мумкин. Яна бир афзал томони шуки, кучли қувватга эга бўлган ушбу радиотелефон станцияси орқали нафақат маҳаллий ҳудудлар, балки хорижий давлатлар билан ҳам сўзлашиш имконияти мавжуд.

КОНИМЕХДА МАҲАЛЛИЙ ТЕЛЕСТУДИЯ

Конимех туманида «Шанирақ» деб ном олган маҳаллий телестудия туман халқининг бугунги турмуши, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва меҳнат жамоаларининг хайрли ишлари тўғрисида кўрсатувлар намойиш эта бошлади. Телестудияга ёш тадбиркор Марат Урметов раҳбарлик қиляпти. Эндиликда Қизилқумни макон қилган конимехлик меҳнаткашлар ҳаёти тўғрисидаги телекўрсатувларни вилоят телевидениеси учун ҳам махсус тайёрлашга киришилди. Ўзининг хизмат турларини кенгайтираётган телестудия Қозоғистон телевидениеси кўрсатувларини дециметрли тўлқинларда кўрсатишни йўлга қўйди.

РАДИОТЕЛЕФОН ЁРДАМИДА ЖАҲОН БИЛАН СЎЗЛАШИБ...

Навоий давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси вилоятда радиотелефон алоқасининг транк тизимини қуриш ҳамда ишга тушириш бўйича корхона ва ташкилотлар, шунингдек ишбилармонлардан буюртмалар қабул қила бошлади. Алоқанинг бу замонавий тури мижозлар учун радиотелефон ёрдамида нафақат вилоят ҳудудида, балки шаҳарлараро ва халқаро миқёсда ҳам сўзлашув имкониятини яратади.

Қ. САТТОРОВ,
жамоатчи мухбиримиз

● Шу сонга шошилинчнома

ЮЗ ФОИЗ

«Пойтуғ почта алоқа боғламаси ходимлари севимли газетамиз «ХАБАР» га юз фоиз, яъни 87 нусхада обуна бўлдилар.

Пойтуғ почта алоқа боғламаси бошлиғи А. Хирмонов, Андижон вилояти»

ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Яқинда Самарқандда Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонаси — «Ўзбектелеком Интернейшнл ҲЖ» фаолиятининг бошланишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Анжуманда «Ўзбектелеком» концернининг раиси Т. М. Бикметов, Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Сукадари ва алоқа корхоналаридан вакиллар қатнашди.

Жамоатчи мухбиримиз вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Ҳикмат ҲАКИМОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Ҳикмат Ҳакимович, энг аввало ана шу қўшма корхона ўз олдига қўйган вазифалар ҳақида гапириб берсангиз.

— «Ўзбектелеком Интернейшнл ҲЖ» қўшма корхонаси эзгу мақсадлар билан иш бошлади. Гарчанд қўшма корхонанинг очилишига бағишланган йиғилиш Самарқандда ўтказилган бўлсада, у вилоятимиздан ташқари Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ҳам иш олиб борилади. Ушбу корхона режаси бўйича биргина вилоятимиз телефон тармоқларини ривожлантириш учун 2000 йилгача 90 миллион АҚШ долларини сарфлаш кўзда тутилган. Шу рақамнинг ўзи ҳам иш кўлами нақадар салмоқли эканлигидан далолат беради.

Маълумки, Индонезия симсиз радиотелефонлар қуриш ва уларни ишлатиш бўйича жуда бой тажрибага эга. Бу эса симёғочлар, симлар танқис бўлган бир шароитда анча қўл келади. Қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш ва телефон тармоқларини қисқа муддатда қайтадан қуришда бу энг асосий йўналиш бўлиб қолиши турган гап.

— Сиз бу режаларнинг амалга ошишига ишонасизми?

— Ишонаман. Индонезиялик биродарларимиз ишни ал-Бухорий зоти шарифларининг қабрларини зиёрат қилишдан, бу ердаги мачитда намоз ўқишдан бошлашди. Бундай эътиқодли одамлар ваъдабоз бўлишмайди. Қўшма корхона шу йил сентябрь ойида республикамиз Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди. Мазкур компания жаҳондаги ўнлаб мамлакатларда қўшма корхона очган ва телефон хизматини яхшилашда катта ҳисса қўшган.

Айни пайтда телефон хизмати шу куннинг талабларига жавоб бермайди. Вилоятимиз телекоммуникациясини ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган дастурини ишлаб чиққан эдик. Уни амалга ошириш учун катта маблағ зарур эди. Худди шундай пайтда индонезиялик дўстларимиз ёрдам қўлини чўзишди.

Суҳбатни Нусрат РАҲМАТ ёзиб олди, Самарқанд вилояти

БЕМИНҲАТ ХИЗМАТ

Шарғун шаҳридаги почта алоқа бўлими бошлиғи Даврон Авазмуродов элга беминнат хизмат қилишни ўз бурчи деб билади ва касбидан чексиз фахрланади. Шу боис ҳам у шаҳар аҳолисининг ҳурмат-эътиборини қозонган.

Даврон Авазмуродов етакчилигидаги бўлим алоқачилари шаҳарда истиқомат қилаётган обуначилар, ёш болали оналар ва нафақачиларга хизмат кўрсатадилар. Шуниси қувончлики, алоқачилар уларнинг ҳожатини чиқариш билан бирга зиммаларидаги ойлик, чорак режа-топшириқларни мунтазам равишда бажаришга эришмоқдалар.

Айни пайтда улар ўзларининг тўққиз ойлик режа-топшириқларини 122 фоизга ошириб бажариш билан Сариосиё туманининг 70 йиллик тўйига муносиб совға тайёрладилар. Бу меҳнат муваффақиятларини қўлга киритишда Комилжон Худойназаров, Ҳасанбой Муродов, Файзулложон Толибов, Фанияхон Хаймуллина сингари алоқачиларнинг ҳиссаси катта бўляпти.

Ҳозирги кунда алоқачилар республикамиз матбуот нашрларига 758 минг сўмлик обуна қабул қилдилар.

— Бу муҳим ишда тарғибот-ташвиқот ишлари муҳим аҳамият касб этади, — дейди бўлим етакчиси Д. Авазмуродов. — Биз фахрийларга, аҳолига, ёшларга матбуотнинг роли, унинг аҳамияти хусусида зарур тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз.

Жамоа аҳли меҳнатда юқори натижаларга эришганлиги учун Сариосиё туман почта алоқа корхонасининг бир неча бор Фахрий ёрлиқлари ва ташаккурномаларини олишга сазовор бўлган. Шунингдек, самарали меҳнатлари туфайли почта алоқа бўлими ходимлари маъмурият томонидан мунтазам равишда ҳар чорак ва йил якунига кўра моддий ва маънавий рағбатлантириб борилмоқда. Бу эса уларни янада фидокорона меҳнат қилишга, элга беминнат хизмат кўрсатишга чорлаётир.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ, Сурхондарё вилояти

ТАЙИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг буйруғига кўра Абдулла Нигматович ОРИПОВ Алоқа вазирлиги Давлат мулкини хусусийлаштириш ва тасарруфдан чиқариш бўлимининг бошлиғи этиб тайинланди.



Абдулла Орипов 1961 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, маълумоти олий — 1983 йили Тошкент электротехника Алоқа институтини битирган.

Меҳнат фаолиятини 1983 йили Тошкент телеграф-телефон станциясида электроника муҳандиси вазифасидан бошлаган. 1993 йилда Алоқа вазирлигининг бош мутахассиси, 1993-1995 йиллари «Ўзимпэксалоқа» ташқи савдо фирмаси директори ўринбосари лавозимида ва 1995 йилнинг май ойидан бошлаб Алоқа вазирлигининг саноат, қурилиш ва таъминот бўлимининг бошлиғи вазифаларида ишлаган. 1995 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб «Ташафинал» ўзбек-грек қўшма корхонасининг бош директори эди.



Чирчиқ шаҳар электралоқа тугунининг линия муҳандиси Жўрабек ЕГАМБЕРДИЕВ Тошкент коллежи ва Тошкент электротехника Алоқа институтида таҳсил олган. Чирчиқдаги электралоқа воситаларининг бир маромда ишлашида Жўрабекнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.

Суратказ Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Ҳабар» газетаси жамоаси газетамизнинг Жамоатчилик Кенгаши аъзоси, Тошкент Алоқа колледжи директори Саидмаҳмуд Саидович АКБАРОВни қутлуғ 50 ёшга тўлгани билан самимий табриклайди. Алоқа соҳасига малакали мутахассислар тайёрлаш борасидаги масъулиятли ишларида муваффақият ва омад, ўзига эса узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди.

МАҲМУДЖОН УСТА

Баъзи инсонлар болалигиданоқ келгусида қайси касб эгаси бўлишини башорат қила олади. Маҳмуджон ҳам ҳали мактабга бормасдан туриб «уста бўламан» дея ота-онасининг бошини қотирар эди. Фаришталар омин деган эканми, ўрта мактабни тугатмай туриб радиотехниканинг анча-мунча сир-асрорларини ўрганиб олди. Турли тўгарак ва мусобақаларда қатнашган ёш радиоҳаваскор ҳеч иккиланмай 1979 йили Тошкент Алоқа коллежига ўқишга кирди. Йигитлик бурчини ўташ чоғида радиоускуналарнинг сирларини билиши Маҳмуджонга қўл келди.

1983 йилдан бери Риштон туман электралоқа боғламасида ишлаётган Маҳмуджон алоқа воситалари билан боғлиқ барча иш жараёнларидан яхши хабардор. Нафақат ўзимизнинг туманда, балки қўшни туманларда ҳам алоқа ускуналарини ўрнатиш ва созлашда унинг ҳиссаси бор.

Туманда «Маҳмуджон уста» деб ном олган алоқачининг Абдураҳим Жабборов, Абдумалик Мамадиев каби шогирдлари аҳолига намунали хизмат қилишяпти.

Маҳмуджон устанинг ихтирочилик соҳасида ҳам анчагина ишлари мавжуд. Устанинг радиореле каналларнинг жиҳозларини қўллаб, телефон рақамларидан фойдаланиш борасидаги иши чўл ҳудудида назорат қилиш қийин бўлган 50 километрлик масофадаги алоқа линиясидан воз кечишга ёрдам берди ва мўмайгина иқтисодий фойда келтирди. Ёки бўлмаса, унинг транзит алоқалар сифатини яхшилаш билан боғлиқ иши эса узоқ шаҳарлардан бўладиган телефон қўнғироқларини бемалол чекка қишлоқ жойларига узатиш учун шароит яратди.

Бир сўз билан айтганда Маҳмуджон Каримов корхонамизнинг фахри ҳисобланади. У ҳозирги кунда «ДЭУ» корпорацияси билан ҳамкорликда қурилаётган жиҳозларни ўрнатиш айниқса шиша толали кабелларни ётқизиш борасидаги ишларда тажрибали мутахассис сифатида фаол иштирок этмоқда. Қисқаси, доимо янгиликка интилувчи Маҳмуджон уста ҳамон изланишда...

Ф. АЗИМ, Риштон тумани электралоқа боғламаси, Фарғона вилояти

ЭЪЛОН

«ХАБАР» газетаси ўз саҳифаларида корхона ҳамда ташкилотлар, хусусий фирмалар фаолиятига оид эълон ва рекламаларни, шунингдек, туғилган кун, никоҳ тўйи муносабати билан табрик-қутловларни, олди-сотди билан боғлиқ турли хил хусусий эълонларни чоп этишни маълум қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 44-29-09, 36-36-42, 36-35-29.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 1-уй, Тошкент Бош почтамти, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги биноси, 4-қават, 229, 231-хоналар.

Тошкент вилояти, Зангиота туманининг Эшонгузар қўрғонида жойлашган «Хабар» кичик корхонаси Тошкентдаги омбордан КАРТ-П русумидаги радиоузайтиргичларни (радиоудлинитель, Белорусия маҳсулоти) сотади ва мижозлар таклифларига кўра ўрнатади ҳамда ишга тушириб беради.

БОҒЛАНИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 74-88-71 (37197) 52-6-53.

• *Турмуш чорраҳаларида*

БИЗ ЁНМАСАК...

Яқинда бир шифохонада ётиб даволанишга тўғри келди. Бу жойнинг шифобахш суви жуда машҳур бўлиб, собиқ СССР даврида қардош республикалардан ҳам одамлар нажот истаб келишарди. Бозор иқтисодиёти даврида ҳамма нарса қатори тиббий хизмат, муолажа ҳам қимматлашди. Бу табиий ҳол. Юқорида тилга олинган шифохонага йўлланма нархи ҳам осмонга чиқиб кетди. Шунга қарамай, саломатликнинг қадрига етганлар иложини топиб (кўпчиликка, жумладан каминага ҳам барака топгур касаба ташкилоти ёрдам берди) соғлиғини тиклашга келар эди.

Хўш, ана шундай саъй-ҳаракатлар эвазига шифо истаб келганларга шарт-шароит, хизмат кўрсатиш маданияти қандай эди деган табиий савол туғилади. Афсуски, бу саволларга ижобий жавоб бериш қийин эди. Ошхонанинг овқатлари сифатсиз, қувватсиз, тозаликка яхши риоя қилинмас экан. Шифохона масканида санитария-гигиена ҳолатлари аъло даражада бўлиши лозим. Лекин бу ерда ана шу оддий нарсага ҳам дурустроқ амал қилинмаганлигини кўриб ҳайратландим.

Ўзим кўрган, кузатган, гувоҳ бўлган камчилик-нуқсонлар ҳақида бош врач муовини ва бош ошпазга очиқ айтдим. Врач танқидни тўғри тушунди ва дарҳол, кўз олдимдаёқ тегишли кўрсатмалар берди. Ошпаз ишгит эса сал қуруқроқ экан, «Катта гапирманг, ока!» дея жизза-килик қилди.

Ҳарқалай, кўнглимдаги гапни айта олганим бир ҳисобдан яхши бўлдику-я, аммо нега бошқалар индамайди дея ўйланиб қолдим. Ахир мен кузатган камчиликларни улар ҳам ҳар куни кўриб туришибди-ку!

Биз ниҳоятда андишали халқмиз. Баъзан ўз ҳақ-ҳуқуқимизни, энг оддий манфаатларимизни ҳимоя қилишга ҳам истиҳола қиламиз. Ёмон кўринишни истамаймиз. Тўғрисини айтсанг тукқанингга ёқмайсан деган нақлга амал қилиб юраверсак туриш-турмушимизда ўзгариш бўлиши қийин. Ахир кўп нарса жамоатчиликка, демак ўзимизга боғлиқ-ку. Жамоатчилик фикри таъсирчан восита. Буни тан олиш керак. Ҳурматли юртбошимизнинг катта-кичик йиғинларда ҳаётдаги муаммолар, камчилик-нуқсонларга муросасиз бўлишга жон куйдириб даъват этаётгани, ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлаётган раҳбарларни аёвсиз танқид қилаётгани ҳаммамиз учун ибрат эмасми?

Доноларнинг айтишича, дунёда лоқайдликдан оғир иллат йўқ. Жамики разолату қабоҳатлар заминида ана шу лоқайдлик, бефарқлик ётади. Шу ўринда машҳур турк шоири Нозим Ҳикматнинг «Мен ёнмасам, сен ёнмасанг, у ёнмаса, бу зулматни ким ёритади» деган ўтли сатрлари ёдга тушади.

«Юртим деб, элим деб ёниб яшаш керак» деган сўзлар шунчаки шиор учун айтилган чиройли гап эмас, мустақил юртимиз истиқболи учун жон куйдирадиган ҳар бир фуқаронинг эътиқодига айланиши керак.

Ш. ЭРГАШ ўғли



• *Мерос*

Шайх Иброҳим ал-АЗРАҚ

ИШҚ-МУҲАББАТ ХУСУСИДА

Буюк аллома ва табиб ал-Муқрийнинг айтишича, ишқ—бу инсонни энг гўзаллаштирувчи, кўрк, ажойиб феъл-атвор берувчи бетакрор бир фазилатдир. Бундай неъматга эришганлар ҳеч қачон ғайрат-шижоат, сержаракатликни тарк этмайдилар. Ишқ — бу азим неъматдир. У ақлни расо айлайди, завқу шавқ бағишлайди. Агар бирор одам ишққа гирифтор бўлса, унинг давоси шуки, ўз жуфти ҳалолининг висолига етсин. Агар ўзинг кўнгил қўйган кимсага етишсанг, юлдузингиз бир-бирига тўғри келса, мақсадингга мувофиқ бўлса, бу энг яхши доридан ҳам, даводан ҳам устундир. Ишқ дардига мубтало бўлганлар ўз севгиларини кўз нуридек асрашлари, муҳаббатларини маҳбубаларига изҳор этиб, мақсадларини лўнда ва аниқ билдиришлари керак. Иккинчи томон ҳам ўз суйган ёрига дил сўзларини изҳор қилса, севгисига мос жавобни айтса, бу ошиқ учун энг катта даводир. Ошиқ кўнглида дунёвий ишларни баҳодирона амалга оширишга куч-қувват пайдо бўлади. Демак, унинг олами ўзгаради. Буларнинг ҳаммасини ошиқ ишқдан деб билади ва кутади. У ўзи учун, инсоният учун, жамият учун кўп фойда келтириш йўлида астойдил меҳнат қилишга тайёр бўлади.

Ишқ ҳақидаги келтирилган кўплаб мисоллардан шуни айтиш мумкинки, севгига етишишнинг ҳалол, ҳақиқий йўллари кўпдир. Аввало инсонлар, бир-бирларини севмоқлари, бир-бирларини яхши ўрганмоқлари, ҳамма фазилату камчиликларидан воқиф бўлмоқликлари даркордир. Шулардан бир нечаларини келтирамиз: агар аёл билмасдан эркакнинг кўнглини ранжитса-ю, эр кечиримли бўлса, аёл уни яна ҳам қаттиқроқ севади. Агар аёл эркакка нисбатан меҳрибон бўлса, унинг кўнглидагини топа олса, эркак уни янада қаттиқроқ севади.

Агар эркакнинг аёлга бўлган севгиси интиҳосига етиб қолса, унда қизиқиш йўқолса, ўзича бошқача фикрлар оғушига кириб қолса, аёлга интилиши узилса — бу унинг тажрибасизлигидан, ёмон хулқидан, худбинлигидан далолат берувчи иллатдир. Бунинг давоси фақат бир нарса — висолга интилиш ва етишиш. Албатта, шариат қонунларига риоя этувчи шахс, ақл билан иш юритувчи одам бунга йўл қўймайди. Лекин шундайлар ҳам борки, ўз аламини ичкиликдан олади, сочларини юлади, беҳолликка дучор бўлади, бошқалар билан кўплаб жинсий алоқа қилишга интилади. Фузалоларнинг далолат беришича, зино билан шуғулланган одамда севги камаяди, фикризикри бошқада бўлиб қолади. У ҳаром-харишга қўл уради, кўплаб шароб истеъмол қила бошлайди ва охир-оқибатда ўз сиҳат-саломатлигини йўқотади. Бунинг давоси аввало, инсоннинг ўзига боғлиқ. У ҳар қандай хусуматдан, низолардан йироқ бўлиши, ўзини бирор юмуш билан машғул қилиши, узоқ сафарга чиқиши, овутиши керак. Жинсий алоқаларни мўътадил олиб бориш, оилавий турмушга янгиликлар киритиш, саёҳатга чиқиш, турли ўйинлар билан дилхушлик қилиш, илм ўрганиш, ибодат қилиш ҳар хил китобларни мутолаа қилиш инсоннинг ишқ ҳақидаги фикрларини ёркинлаштиради. Агар ошиқ оқил бўлса, ваъз-насиҳатларга амал қилади ва маъшуқликка қабоҳат аралаштирмайди, аёлларга хиёнат қилмайди, оиланинг мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Аллоҳ бундайларга кўмак беради.

• *Обуна — 97*

МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Мустақил ватанимизда амалга оширилаётган оламшумул воқеалар, иқтисодиёт, маданият, маънавият соҳасидаги муҳим ўзгаришлар ва янгиликлар «Мулоқот» журналининг эътиборида бўлиб келди. Бу борада республиканинг атоқли иқтисодчилари, тарихчи ва адиблари, файласуф ва уламоларнинг фикр-мулоҳазаларига кенг ўрин берилди.

Ўзбек мумтоз адабиётининг мураккаб саҳифалари ҳам ислом шариати ва тасаввуфга боғлиқ ҳолда ёритила бошлади.

Навоийхонлик «Мулоқот» мунтазам ёритадиган мавзудир. Бу соҳада асл манбалардан бири «Тазкиратул-авлиё» руҳидаги «Насойимул-муҳаббат» асарининг эълон қилинмаган қисмлари, «Чор китоб»нинг ўзбекча тўлиқ таржимасини бериш ниятидамиз. Бу мажмуа Фаридуддин Аттор, имом Faззолий асарларидан фойдаланиб тузилган.

Журналнинг келгуси йил сонларида «Муқаддас шаҳарлар» рукнида «Мадинаи Мунаввара», «Қуддуси шариф», «Бухорои шариф» ва бошқа машҳур шаҳарлар билан боғлиқ тарихий воқеалар ёритилади. Ер юзига юборилган 124 минг пайғамбар орасида Ҳақ даргоҳида энг буюк мартабага эришганлари 24 тадир. Шулардан 4 таси — Одам Сафийуллоҳ, Нуҳ Набийуллоҳ, Иброҳим Халилуллоҳ ва Муҳаммад Расулуллоҳ энг буюк мартабада турадилар. Келгусида ана шу улуғ зотлар ҳақида таниқли уламоларимизнинг мақола, лавҳаларини ўқийсиз. Шу билан бирга ҳазрати Довуд, Сулаймон, Мусо, Исо алайҳимус-саломлар ҳаёти тўғрисида ҳам қизиқарли асарлар бериб борилади.

Бундан ташқари, дунёдаги энг муқаддас китоблар — «Тавроти шариф», «Забур», «Инжил», «Қуръони мажид» ҳақида ҳаққоний тадқиқотлар чоп этилади. Журнал ўз саҳифаларида «Тасаввуф тариқатлари» рукнида Абу Саъид Абул-Хайр, Абдуллоҳ Ансорий, Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий, Хожа Ҳофиз, Шамс Табризий ва бошқа тариқат ҳамда маърифат пирларининг ҳаёти ва асарларини тақдим этади. Бу маънавият дурдоналари бугунги жамиятимиз ҳаётида одамларни ҳалол ва бунёдкор меҳнатга, ахлоқий камолотга чақириш билан қимматлидир.

Хуллас, 1997 йил учун «Мулоқот» журналига обуна бўлган муштарийлар бебаҳо хазинага эга бўладилар.

Маҳкам МАҲМУДОВ

ЗОҒЧА

Л.ТОЛСТОЙ

Бир куни дарвеш ўрмонда лочинни кўриб қолибди. Лочин уяга бир бўлак гўшт кўтариб келибди ва уни майдалаб, зоғчага едирибди.

Лочиннинг зоғчани боқаётганини кўрган дарвеш ҳайрат билан ўйлабди: «Узи зоғча бўлсаям худонинг марҳаматига нойил ва ўша худовандо карим бу бургутни бегона бир етимчага қайишмоқни ўргатибдир. Шак-шубҳасиз, Аллоҳ таоло жамики жонзотларга ғамхўрдир, биз бўлсак фақат ўзимизнигина ўйлаймиз. Мен ҳам энди ўзимни ўйлашни бас қилиб, егулик ғамлаб юрмайман. Худо бошқа жонзотлар қатори мени ҳам ташлаб қўймас».

Дарвеш айтганини қилибди: ўрмонда жойидан силжимай худога сиғиниб ўтираверибди. Уч кечаю уч кундуз туз тотмабди. Учинчи куни дарвеш азбаройи тинка-мадори қуриганидан кўлини ҳам қимирлатолмай қолибди. Мадорсизликдан ухлаб қолибди. Тушида бир қарияни кўрибди. Қария бамисоли ёнига келгандек бўлиб, шундай дебди: «Сен нега тирикчилигингни йиғиштириб қўйдинг? Бу ишинг худога маъқул деб ўйлайсан, аслида гуноҳга ботяпсан. Худовандо карим оламни шундай яратганки, унда ҳар бир тирик жонзот ўз тирикчилигини ўзи қилмоғи даркор. Лочин худонинг амри ила зоғчани боқяпти, чунки зоғча кўмаксиз яшай олмайди; сен эса ўзинг тирикчилигингни ўтказа оласан. Сен худонинг марҳаматини синаб кўрмоқчи бўляпсан, бу эса гуноҳдир. Кўзингни оч ва олдингидек яна ҳаракатингни қил».

Дарвеш уйғонибди ва олдингидек яшай бошлабди.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ Шуҳрат ЖАББОР Анатолий КУДИНОВ

Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб) Мирпўлат МИРЗО Рустам ҚОСИМОВ Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бўривой АҲМЕДОВ ОТАУЛИ Саидмаҳмуд АКБАРОВ Шоҳруҳ АКБАРОВ Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ Тоғай МУРОД Саид СИДДИҚОВ Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0672. 7634 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 18

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан 18 ноябрь куни УТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача УТВ III канали орқали намойиш этилади.

I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Истиқлол рамзи». Видеоклип.
18.15 «Эркатой».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.20 «Истиқлол одимлари».
Биржа ва банк хабарлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мозийдан садо».
Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бугун келажак сари».
«Кушикларда юрак сўзларим».
Гулбаҳор Сулаймонова.
21.40 «Зарчашма».
22.00 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
22.15 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Замин саховати».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 Мультфейерверк».
«Палитра».
19.05 «Усмир». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон». Оҳанглар.
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
21.00 «Камертон». Шеърият.
21.10 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
21.40 «Кўприк».
22.00 «Прайм-тайм».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.55 «Спорт» қитъаси.
23.35 — 00.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Хафтанома».

8.30 «Истиқлол рамзи». Видеоклип.
8.35 «Бир ўлка-ки...».
9.00 «Бозор иктисодиёти асослари». Публицистик кўрсатув.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
10.45 «Болалик — бегуборлик». Кинодастур.
11.25 «Хазинамиз таянчи». Публицистик кўрсатув.
12.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.30 «Тугилган кетиб». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Кадимий тоғлар афсонаси». Бадиий фильм.

Россия жамоат телеканалининг 19.10 — 21.35 эфири

21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 Ангрен шаҳар «Шанс» шоу-дастури намойиш этади.

Россия давлат телеканалининг 22.55 — 23.30 эфири

23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 Кўрсатувлар анонси.
«Мультхарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Самарқанд нақшлари. Шохизинда». Телефильм.
19.20 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
19.30 «Патриарх». Тошкентдаги Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллигига.
20.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.20 Эълонлар.
20.25 Кечки сеанс. «Кавказ асираси». Бадиий фильм.
21.45 «Спорт-тайм».
22.05 «Шлягер».
22.40 «Авторейд».
22.50 Эълонлар.
22.55 «5+1».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Лирик концерт.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Ок руҳ».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Адабиёт.

12.00 Футбол шарҳи.
12.45 «Асрлар нидоси». Кинодастур.
13.45 «Халқ ижодиёти».
13.25 Санъат устаҳарининг концерти.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиатшунослар клуби».
18.25 «Менга суз беринг!».
19.05 «Бу гўзлик ҳақи...».
19.25 Эълонлар.
19.45 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ботма,қуёш!». Публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 Эълонлар.
20.50 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бугун келажак сари».
21.20 «Оҳангларда тараланган меҳр».
21.40 «Замон».
21.55 «Спорт, спорт, спорт».
22.15 «Ўтгинчак тўри». Телесериал.
22.55 «Ўзбекистон — менинг Ватаним!».
Телефильм.
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Тропиканка сири». Телесериал.
«Мультфейерверк».
19.05 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ҳафтанома».
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бугун келажак сари».
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.25 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
21.45 «Автоолам».
22.00 «15 дақиқа плюс». Спорт кўрсатуви.
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.10 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

III

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...».
«Компьютер-Осиё».
20.10 Эълонлар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Доёнч Веалве» намойиш этади.
«Дриблинг».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Спорт» қитъаси.
22.35 — 00.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

IV

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 Болалар учун фильм. «Ўрмонлар оша, тоғлар оша».

Россия жамоат телеканалининг 19.10 — 21.35 эфири

21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Шоҳсупа сари йўл».

Россия давлат телеканалининг 22.55 — 23.25 эфири

23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Ўзбекистон мушторак».
18.50 «Мультхарусель».
19.05 «Дунё ва болалар».
19.30 «Бизнес мирас».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Кучук химоячилари».
20.15 «ТВ IV канали эксклюзиви».
20.45 Эълонлар.
20.50 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
21.20 «Тошкент оқшомида».
21.50 «Мезон».
22.15 Эълонлар.
22.20 «Тошкентнома».
22.50 «Бу ажиб дунё».
23.15 «Гулдаста».
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».



ПАЙШАНБА, 21

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларининг телевизион фестивали.
8.55 «Истиқлол чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Мушоҳада учун мавзу». Публицистик кўрсатув.
10.30 Ботаника.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Умумий биология.

12.00 «Оятин балиғча». Ҳоразм Давлат кўғирчоқ театрининг спектакли.
12.40 «Умр дафтаридан бир саҳифа». Мусиқий кўрсатув.
13.00 «Мозаика». Мультфильм.
13.25 Самбо. Жаҳон чемпионати.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтойлар тоймаси».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Адашганлар».
19.10 «Ғамонлик тиламайми?».
19.15 «Кўнгилдаги эҳсс». Фототанлов.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулокот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бугун келажак сари».
21.30 «Муғойин». Пайшанба ҳазиллари.
21.45 «Одобнома».
21.55 «Нури имомнинг...». Носир Алимасумов кўнгилдаги...
22.10 Дилкат премьера: Нурилла Абдуллахон ўғли. «Муҳаббат қасри» «Тож маҳал». Драма. 1—2-қисмлар.
23.20 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
9.50 «Кўприк».
10.00 «Прайм-тайм».
10.30 «Нафис машғулотлар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
10.50 «АРТ-журнал».
11.05 «Табиат дунёси».
11.50 «Компьютер-Осиё».
12.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.30 — 14.10 Видео — «О».

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бугун келажак сари».
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.25 «Видеогид».
21.40 «Бизнес-чирк».
«Доёнч Веалве» оҳанглари ва Эълонлар.
22.00 «Кинофигоч».
23.40 — 00.20 «Мисс Малибу». Қизиқарли дастур.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Хавфли қўниш». Бадиий фильм.

Россия жамоат телеканалининг 7.30 — 9.00 эфири

19.10 — 21.35

21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Музей». Телефильм.

Россия давлат телеканалининг 22.50 — 23.25 эфири

23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультхарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Дурдраш» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.40 Эълонлар.
19.45 «02» тўлқинида.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 Эълонлар.
20.55 «Кои-но бо «Зао» тоғи». Телесериал (Япония).
21.50 «Экзот-коктейль».
22.20 «Эълода».
22.50 «Интер-спорт».
23.30 Эйликлар ҳаётидан янгиликлар.
«Компьютер-ревю».
22.55 «Океандан океангача». USA-круиз.
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 22

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий хамоаларининг концерти.
8.55 «Юзма-юз». Мулокот.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кишлок стадионларида» Спорт кўрсатуви.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.

12.00 «Доно бобо даврасида».
12.30 «За тинчлиги йулида». Публицистик кўрсатув.
13.00 «Театр ўчрашувлари».
13.30 Эстрада кўшиклари.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.20 Нурилла хожи Абдуллахон ўғли. «Муҳаббат қасри» «Тож маҳал». Драма. I — 2-қисмлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Миитти қодузлар».
18.30 «Дунфдоон».
18.50 Бизнес ҳафта якунлари.
19.00 «Нигит омон бўлса...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Замонамиз қаҳрамони».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бугун келажак сари».
21.20 «Ривоят».
21.30 «Эртага — шанба».
«Репортаж».
21.45 «Дилнавоз садолар».
22.55 «Морена Клара». Телесериал.
23.10 «Соглом авлод учун!»
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили ...».
9.30 «Мульти-пульти».
9.35 «Тажанно».
9.35 «Табиат шифохонаси».
9.45 Мудоказа учун мавзу.
10.05 Видео янгиликлари.
10.25 Диларом наволар.
10.30 Видео — «О».
12.10 — 14.00 «Спорт қитъаси».

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор экандан, йўқ экан...».
18.35 «Кинохроника».
18.50 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
21.00 «Сизда ишорат».
«Ракурс».
22.00 Хит-парад ва Эълонлар.
22.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.50 — 00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Богинч». Бадиий фильм.

Россия жамоат телеканалининг 7.30 — 9.00 эфири

19.15 — 21.35

21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Ок йўлки», «Шаҳар шовқинларидан ирғокда». Телефильмлар.

Россия давлат телеканалининг 22.55 — 23.25 эфири

23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультхарусель».
19.05 «Умид чечаклари».
19.25 Эълонлар.
19.35 «Билмас кўйган яхши».
20.00 «Монитор-Осиё».
20.30 «Узликни англамок». Хотин-қизлар ва жамият.
21.05 Эълонлар.
21.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.35 «Коинот».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Бумеранг».
Араб эстрадаси.
23.10 «Замин саховати».
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 23

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Сергайрат кампир». Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Санъат олами».
«Ешлик» студияси намойиш этади:
10.30 «Мен ёшликман».
11.00 «Хабарнома».
11.10 «Еш куч». Телехурнал.
11.35 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».

12.05 «Бахор»нинг янги бахори».
12.35 «Усмирлар коинотда». Бадиий фильм.
14.00 — 15.00 «Маъканият» видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.05 «Ораз».
18.35 «Мактуб».
18.50 «Сиз севган қушиқ».
19.05 «Хайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Дилнавоз садолар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
21.00 «Бугун келажак сари».
21.20 «Ўтган мерос». Халқ артисти Наби Раҳимов.
21.50 «Дилнавоз садолар».
«Тунги сеҳр».
Дам олиш дастури:
22.00 «Ҳаваскор».
22.25 «Куй ва тасвир».
22.55 «Имкон чўққилари».
22.35 «Сангам». Бадиий фильм. I — 2-серияллар.

II

9.00 «Бор экандан, йўқ экан...»
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Мусиқий йўлка».
10.40 «Сизда ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Кинонигоч».
13.20 — 14.20 «Спорт қитъаси».

18.00 «Бугуннинг боласи».
18.20 «Жозиба».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Нориза ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дубляж».
20.05 «Ўятин кент».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури:
21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 — 23.35 Видео — «О».

III

18.20 Дастурнинг очилиши.

Россия жамоат телеканалининг 18.25 — 21.35 эфири

21.35 «Занданчи сири». «Тобольск хунармандлари». Телефильмлар.

Россия давлат телеканалининг 22.40 — 24.00 эфири

24.00 — 00.15 «Ўзбекистон ботаника боғи». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Шанба эртаги.
10.30 Сиз учун учрашув.
10.55 «Чинсан».
11.25 «Хит-коллекция». Дастурга мусиқий илова.
11.55 «Биз ва кино».
12.05 «Ассалом, Франция!».
13.35 «Клип-антракт».
13.55 «Комедиантлар».
14.00 — 15.05 Кининг олтин асри. «Ромео ва Жульетта». Бадиий фильм. 1-серия.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультхарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Рақслар қанотида».
20.35 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.40 Кининг олтин асри. «Ромео ва Жульетта». Бадиий фильм. 2-серия.
22.10 «Ўзинг учун 5 дақиқа».
22.15 «Оқлар ва одам».
22.40 «Хит-коллекция».
23.00 «Бу дажб дунё».
23.20 «Комедиантлар».
23.40 «Хиллел-спорт».
00.10 Эълонлар.
00.15 — 00.25 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Кувноқ стартлар».
11.40 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.20 М. Бобоев. «Кунгил кучалари». Видеофильм. 17-кўй.
13.00 «Нурли келажак». Усмирлар учун видеоканал.
14.00 «Кўшиғим, хон кўшиғим».
14.30 — 15.30 «Ах ёкқан чироклар». Халқ артисти Лутфихоним Саримсокова.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Хамёндаги муъжизалар ёки...».
18.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
19.00 «Келгуси хафтада».
19.15 «Тулпор».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Бугун келажак сари».
21.30 «Бу мунис лаззалар».
21.50 «Шахс ва бахс».
22.15 Дилкат премьера: М. Бобоев. «Кунгил кучалари». Видеофильм 18-кўй.
22.55 «Футбол олами».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Хафтанома».
24.00 «Келгуси хафтада».
00.15 Тунги тароналар.
— 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «Жозиба».
9.30 «Дубляж».
9.45 «Олтин кент».
10.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
10.35 Видео — «О».
12.15 — 14.00 «Спорт қитъаси».

18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Дараҳчи».
18.20 «Боланинг тили...»
18.30 «Мульти-пульти».
18.50 «Диларом наволар».
19.10 «Дармон».
19.10 «Тажанно».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
20.20 «Диларом наволар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Видео янгиликлари.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Мулкис».
22.20 — 24.00 Видео — «О».

III

17.40 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

Россия жамоат телеканалининг 17.45 — 23.20 эфири

23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 «Панорама».

IV

9.00 «Эй, Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртаклардинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Клип-антракт».
11.25 «Дурдраш» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.55 «Парле ву франсе?».
12.25 «Кокила сайёра».
12.45 «Афсона ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
13.25 «Мусиқий Олимп».
13.50 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.20 Киносаҳна. Кевин Костнер «Қасос» фильмида.
16.30 «Иштирок этувчилар».
17.00 «Сенинг вақтинг».
17.30 «Телеташриф».
17.45 Эълонлар.
17.50 Мультэкран.

18.10 — 19.45 Туркия телевидениеси.

19.45 «ТВ IV да етти кун».
20.00 «Мультхарусель».
20.15 «Биргалашиб куйлайлик».
21.00 «ТВ IV да етти кун».
21.15 Киносаҳна. Пьер Ришар ва Жерар Депардье «Омадсизлар» фильмида.
22.40 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!».
23.10 «Голливуд-рок». Ешлар учун мусиқий дастур.
23.35 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).